

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ёшлар ишлари агентлиги
Директори биринчи
ўринбосари –
комиссия раиси**



Ж.Ходжаев

Ёшларга ўзининг турмушини яхшилаш, касб-хунар ва бизнес билан шугулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга, устоз-шогирдчилик анъаналарини тарғиб этишга қаратилган “коучинг” видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлаш юзасидан

**ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ БУЮРТМАСИ АСОСИДА ЭНГ ЯХШИ
ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

VII. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлик номи: Ёшларга ўзининг турмушини яхшилаш, касб-хунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга, устоз-шогирдчилик анъаналарини тарғиб этишга қаратилган “коучинг” видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлаш юзасидан давлат ижтимоий буюртмаси асосида энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.

1.3. Давлат ижтимоий буюртмаси асосида энг яхши таклиф: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.

1.4. Давлат ижтимоий буюртмасининг максимал нархи: **1 100 000 000** (Бир миллиард бир юз миллион) сўм.

1.5. Давлат ижтимоий буюртмасини бажариш муддати: **2022 йил 15 декабрга қадар.**

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

2. Техник талаблар

2.1. Ёшларга ўзининг турмушини яхшилаш, касб-хунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга, устоз-шогирдчилик анъаналарини тарғиб этишга қаратилган “коучинг” видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар тайёрлаш учун техник вазифа:

Видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлардаги тасвирга сифат бўйича талаблар: **4К (3840x2160) 16:9 форматда 20 битрате ва ундан юқори.**

Видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлардаги овоз бўйича талаблар: **ААС форматдаги 320 кб/с - стерео сифатда ва ундан юқори.**

Жами видеодарсликлар сони: 110 та

Видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар давомийлиги **90 сониядан 15 дақиқагача**

Видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликларни ишчи тили **Ўзбек тили** ҳисобланади, талабдан келиб чиққан ҳолатда инглиз ва рус тилларида субтитр қўшиш имконияти ҳам мавжуд.

Ўқув видеодарсликларини куйидаги техник ускуналарда тасвирга олиниши талаб этилади:

Объектив - **16мм, 24мм, 35мм, 50мм, 135мм**

Реле - **Тележка**

Кўшимча – **микрофон/петличкалари, дрон ва хоказо.**

Монтаж: **профессионал, рангли коррекция, ВФХ графика.**

Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар:

Видео маҳсулотни яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни яратувчи амалдаги конунчиликка амал қилган ҳолда видео маҳсулотдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусикалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Сиз тақдим этган видео маҳсулотда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео маҳсулот Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади.

Шу билан биргаликда ишлаб чиқилган видео маҳсулот ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки ҳисобланиб, тасдиқланган тақдирда эркин тарқатиш ва фойдаланиш имкониятига эга.

Ишлаб чикувчилар видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликларнинг бошланғич қисмида буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади.

Ўқув дастурларини тақдим этиши шарт.

Ҳар бир видео материаллар ва дарсликлар, мотивацион роликлар йўналишга мос махсус биноларда суратга олинини керак.

Талабгор ташкилот охириги 3 йил давомида фаолият юритган ва давлат ва йирик ташкилотлар буюртмалари билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши лозим.

